# Биз ва уларнинг (кофирларнинг) ўртамизни ажратиб турадиган нарса намоздир. Бас, ким намозни тарк қилса дарҳақиқат, кофир бўлибди» –дедилар

Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз ва уларнинг (кофирларнинг) ўртамизни ажратиб турадиган нарса намоздир. Бас, ким намозни тарк қилса дарҳақиқат, кофир бўлибди» –дедилар».
[Саҳиҳ] [Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда мусулмонлар ва кофиру мунофиқлар ўртасини ажратиб турадиган нарса намоз эканини ва ким уни тарк қилса кофир бўлишини хабар бермоқдалар. (Катта ёки кичик куфрлигида катта ихтилоф бор. Буни батафсил билиш учун катта дин олимларига боғланиш лозим)

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65094

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee